

Ўзбекистон Республикаси чакана ва улгуржи савдо товар айланмаси 2026 йил январь-апрель ойлари учун дастлабки маълумот


- I. Чакана савдо товар айланмаси
- II. Улгуржи савдо товар айланмаси
- III. Умумий овқатланиш корхоналари савдо товар айланмаси
- IV. Услубий маълумотлар
- V. Алоқадор бошқа ҳаволалар

I. Чакана савдо товар айланмаси

2026 йил 1 май ҳолатига чакана савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони **101 182** тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони **558** тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони **100 624** тани ташкил этди.


2026 йилнинг январь-апрель ойларида республиканинг чакана савдо товар айланмаси **165 865,8** млрд сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг январь-апрель ойларига нисбатан **22,9 %** га ўсди. Жумладан, йирик корхоналарнинг савдо товар айланмаси **29 495,2** млрд сўмни (ўсиш суръати – **126,1%**), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси эса **113 805,8** млрд сўмни ташкил этди (ўсиш суръати – **121,3 %**).

Ҳудудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ўсиш суръатлари 2026-йил январь-апрель ойлари



Мавзуга доир кўрсаткичлар:
[Чакана савдо товар айланмаси ҳажми \(ойлик\)](#)

Чакана савдо ҳажмида йирик корхоналар, кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорликнинг улуши бўйича динамикаси
январь-апрель ойлари




II. Улгуржи савдо товар айланмаси

2026 йил 1 май ҳолатига улгуржи савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони **57 301** тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони **517** тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони **56 784** тани ташкил этди.

Республика бўйича 2026 йилнинг январь-апрель ойларида улгуржи савдо товар айланмаси **155 875,5** млрд сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **12,7** %га ўсди.

Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси **44 810,0** млрд сўмни (ўсиш суръати – **109,9** %), кичик бизнес субъектларининг товар айланмаси эса **111 065,5** млрд сўмни (ўсиш суръати – **113,9** %) ташкил этди. Республикада жами улгуржи савдо ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши **71,3** %ни ташкил этди.


Улгуржи савдо ҳажми динамикаси
2026 йил январь-апрель ойлари, млрд сўм



Мавзуга доир кўрсаткичлар:
[Улгуржи савдо ҳажми \(ойлик\)](#)

Ҳудудлар кесимида улгуржи савдо ҳажмининг ўсиш суръатлари

2026-йил январь-апрель ойлари



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Улгуржи савдо ҳажми ўсиш суръати \(ойлик\)](#)


III. Умумий овқатланиш корхоналари савдо товар айланмаси

2026 йил 1 май ҳолатига умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритаётган тижорат корхоналари сони **32 266** тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони **266** тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони **32 000** тани ташкил этди.

2026 йилнинг январь-апрель ойларида овқатланиш корхоналарининг савдо айланмаси **69 813,9** млрд сўмни ташкил этди ва 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **7,2** %га ўсди. Савдо айланмасининг **79,8** % улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди, йирик корхоналар улуши эса **20,2** %ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш корхоналари савдо товар айланмасининг ўсиш суръати динамикаси

2026 йил январь-апрель



IV. Улгуржий маълумотлар

Улгуржи ва чакана савдо товар айланмасининг статистик кўрсаткичларини шакллантиришда, Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, «Миллий ҳисоблар тизими – 2008», «Чакана ва улгуржи савдо статистикаси бўйича халқаро тавсиялар» (БМТ, 2008), «Чакана товар айланмасининг статистик кузатуви ва унинг физик ҳажм индекси бўйича услубий тавсиялар» (МДХ қўмитаси, 2011) халқаро кўрсатмалар ва тавсиялардан фойдаланилади.

Улгуржи ва чакана савдо товар айланмаси статистик кўрсаткичлари норасмий ва яширин иқтисодийнинг статистик баҳолаш натижалари инобатга олинган ҳолда ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда, жами ва таркибий қисмлар йиғиндиси ўртасидаги кичик тафовутлар маълумотларни яхлитлаш билан изоҳланади.

V. Алоқадор бошқа ҳаволалар

[Улгуржи савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Улгуржи савдо айланмасининг ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Чакана савдо айланмаси ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Чакана савдо айланмасининг ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Аҳоли жон бошига чакана савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Аҳоли жон бошига чакана савдо ҳажми ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Овқатланиш корхоналари савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Овқатланиш корхоналари савдо ҳажми ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

